Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 7 декабрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 93 (6790)

Даъват

Қонун устиворлиги заминида кучли тартиб ва интизом ўрнатайлик! Ирқи, миллати ва эътиқодидан қатъи назар ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлайлик!

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

Ислом КАРИМОВ:

1997 ЙИЛ — ИНСОН МАНФААТИ ЙИЛИ БЎЛСИН!

Муҳташам Туркистон саройида бир файзли кеча булиб ўтди. Бир кечаки, у Ўзбекистон тарихининг ўчмас саҳифасига айланиши муқаррар. Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган куннинг турт йиллиги шодиёнасида яна бир фикр билдирилдики, уни сиз аллақачон сарлавҳамизда ўқидингиз: Ўзбекистонда 1997 йил — инсон манфаати йили бўлсин, дея юртбошимиз ният билдирди. Бу пок ниятнинг асоси борлиги унинг амалга ошуви учун бизда имконият борлигини бир неча далилларда кўрсатди.

Аввало, ўзбек халқи улуг маданиятга буюк меросга эгалигини, бу меросни яратиб кетган боболар қони вужудимизда оқаётганлигини таъкидлади Президент.

Яна халқимизнинг меҳнаткаш, мўмин кишилар эканлиги айтилди. Айримлар мўмин сўзидан, қандайдир бошқа маъно чиқаришар, лекин бу сўзнинг замирида — ҳам айтиб, дилида тугиб ва уни ҳаётга тадбиқ этадиган инсон тушунилади. Шунинг учун юртбошимиз собиқ совет давлати ҳудудидаги мамлакатлар орасида энг яхши натижаларга эришганлигимизни ғурур билан айтди ва бунда ажойиб хусусиятли меҳнаткаш, мўмин халқимизнинг улкан улуши борлигидан мамнунлигини билдирди.

Имкониятимизнинг яна бир асоси ер ости ва усти бойликларимизнинг беқиёслигидадир. «Қани айтингизлар, кимда, қайси давлатда бор бундай бойликлар?» дея мурожаат қилди И. Каримов утирганларга.

Илм-фанга булган муҳаббати чексиз, фидоий олимлари, қобилиятли фарзандлари булган элнинг яхши яшаши учун бу яна бир имконият эмасми?

Имкониятларимиз кенг экан, нима қилишимиз керак, деган саволни ўртага ташлади Ўзбекистон Президенти ва ўзи жавоб берди:

— Бунинг учун эски тузум сарқитларидан бутунлай халос бўлишимиз керак.

Инсон ўз манфаати учун ҳаракат қилиши баробарида у давлат манфаатига ҳам хизмат қилсин. Бу давлат ва инсон манфаатининг уйғунлигида вужудга келадиган ғўзал жамиятдир. Дарҳақиқат шундай. Ривожланган давлатлардаги тизим шундай тузилганки, инсон ўз манфаати учун меҳнат қилганда, тер тўкканда, у табиий равишда давлатига катта манфаат келтиради. Бундай давлатларга Президент ҳавас қилишини яширмади. Ҳа, ҳа, ҳавас билангина инсон юксалмоғи тарихдан аён.

Хўш, бу ғояларни қандай қилиб ҳаётга татбиқ қилишимиз керак? Конституциямиз — қонунимизга таяниб у тарғиб этаётгани ТЕНГЛИК билан, инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан, деди Ислом Каримов. Бунда биздаги бир иллат қораланди: бирор киши раҳбар булгач ўзини бошқалардан устун кўради, оқсуяк ҳисоблайди ўзини. Бундай эмас, деди Президент. — Раҳбар ишчиларини, деҳқонларини, ходимларини, умуман, қўл остида меҳнат қиладиган, яшайдиган жамоасини яхши кўриши керак. Мен Сизларни — халқимни яхши кўраман.

Бу баландпарвоз сўзлар эмас эди. Халқининг устини бут, ахлоқини ғўзал, юртини обод кўришни истаган бир ўзбек ўглонининг самимий сўзлари эди бу. Самимий булмаганда гапираётган инсон ҳаяжонланмаган, эшитаётганларнинг эса баданида ҳузурли жимирлаш содир булмас эди.

Алқисса, 1997 йил — инсон манфаати йили бўлиши, ҳар бир фуқаронинг шахсий ҳаётидаги ютуқ ва камчилик алоҳида-алоҳида таҳлил қилинадиган, сабаблар очиб ташланадиган, охир-оқибат, ҳар бир узбекистонликнинг ҳаёти янада яхшиланадиган йил бўлиши ният қилинди. Бу эзгу ниятлар амалга ошсин!

Ҳалим САЙИД.

8 ДЕКАБРЬ — КОНСТИТУЦИЯ КУНИ

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 декабрь куни мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Украина бош вазири Павел Лазаренкони қабул қилди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 декабрь куни мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Украина бош вазири Павел Лазаренкони қабул қилди.**

● **Шу куни Республика Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон ва Украина расмий делегациялари ўртасида кенгайтирилган таркибдаги музокаралар бўлиб ўтди. Унда иккала мамлакат ўртасида — икки ёқлама фуқаролик ҳо-латлари пайдо бўлишининг олдини олиш, 1997 йилда Ўзбекистондан Украинага табиий газ етказиб бериш каби яна бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.**

● **«Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси тўғрисида»ги Фармони чиқди.**

● **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари Мониторинг институтини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кенгашининг қарори қабул қилинди.**

● **Халқаро оммавий ахборот воситаларининг хабарига кўра, Президент А. Лукашенконинг янги Конституциясига норозилик сифатида Белоруссия Конституцион судининг уч нафар судьяси истеъфога чиқди. (Интернет)**

● **Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев хайрихоҳлиги билан бошланган ёшлар ҳаракати ўзларига сарф этилаётган харажатлар тез орада қўшимча даромад билан қайтишига умид боғламоқда.**

● **Исроил бош вазири Б. Нетаньяху Ирландия бош вазири Жон Брутен билан музокаралар давомида Фаластин ва Исроил можаросини ҳал этишда Европа Иттифоқи асосий ўрин тутиши керак, деган хулосага келди.**

ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президент Ислом Каримов Фармонига кўра Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллик байрами арафасида республика иқтисодиёти ривожига қўшган ҳиссаси, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни, миллатлараро тотувликни таъминлаш, ёш авлодни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш йўлидаги улкан хизматлари учун юртдошларимиздан катта бир гуруҳи ватаннинг юксак орден ва медаллари ҳамда фахрий унвонлари билан тақдирланган эди. Шунингдек, Амир Темур ва темурийлар даврида бунёд этилган тарихий ёдгорликларни таъмирлаш борасидаги ишлари учун бир гуруҳ усталар Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

6 декабрь куни республика Вазирлар Маҳкамасида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Тантанали маросимда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Ғўзал ва обод ватанимизнинг асосий қонуни— Узбекистон Конституцияси қабул қилинганига тўрт йил тўлиши арафасида, биз мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият соҳаларида меҳнат қилиб, катта ютуқларни қўлга киритган бир гуруҳ ватандошларимизга давлатимизнинг юксак мукофотларини топшириш маросимига йиғилдик, деди давлатимиз раҳбари.

Ҳалол меҳнатнинг қадрига етиш, элу юрт бахт-саодати, унинг тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилган ўғил-қизларининг хизматларини муносиб тақдирлаш— халқимизга хос азалий фазилатдир.

Биз бугун адолатли, инсонпарвар жамият қураётган эканмиз, аввало, одамларимизнинг қилаётган ишларига, меҳнатига ҳурмат билан қараш, қадрлаш, уларнинг қадр-қимматини жойига қўйиш сиёсатимизнинг пойдевори бўлиши шарт.

Чунки, одам бу дунёда ўзининг керакли эканини англаб яшаса, қилган эзгу ишларининг беиз кетмаслигига ишонч ҳосил этса, ўзига муносиб иззат-икром кўрса, бундай муносабат меҳнатчиларнинг эл-юрт, жамият олдида фарзандлик бурчини бажаришида ўз самарасини бериши муқаррардир.

Аслида ҳар қандай мукофот ва рағбат замирида, инсоннинг ақлзаковати ва меҳнатига, ўз илму ҳунарига меҳр билан қарашига ва маҳорат кўрсатишига чуқур эҳтиром мужассамдир. Биз бугун фидокорона меҳнати, кашфиёт ва ихтиролари, санъат асарлари билан, халқимизнинг моддий ва маънавий юксалишига хизмат қилаётган ва шу боис, бутунги олий мукофотларга сазовор кўрилган ватандошларимиз билан чин дилдан фахрланамиз.

Ватанимиз орден ва медаллари мазмун-моҳияти билан ҳам, ташқи кўринишию жозибаси билан ҳам ҳавас қилгулик. Уларнинг номида ва шаклида биз танлаб олган йўл, буюк мақсадларимиз, ҳоҳиш-иродамиз, ватан ва миллатга муносабатимиз ифода этилгандир. Бунинг буюк маъноси бор. Зеро, улар ҳалол ва баракали меҳнат қилган, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган ҳар бир инсон учун олий ном, олий даража, олий қадриятдир!

Биз Узбекистоннинг келажаги шонли ўтмиши каби буюк бўлади, халқимиз фаровон турмуш ва осойишта ҳаётга албатта эришади ва шулар орқали жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллайди деб ишонч билдирар эканмиз, биринчи галда сиз каби фидойи, заҳматкаш, салоҳиятли илму ҳунар эгаларига таянамиз.

Сизларнинг ўз соҳангизда эришган ютуқларингиз, ҳаётий тажрибаларингиз, инсоний фазилатларингиз, тафаккур қудратингиз барча учун, аввало, ўсиб келаётган ва камол топаётган ёш авлодимиз учун ҳамиша ибрат ва намуна бўлиб хизмат қилади, — дея таъкидлади Президент. Бу ибратнинг маъноси битта: у ҳам бўлса, она юртимиз, Ўзбекистонга садоқатли фарзанд бўлиб хизмат қилиш, уни ёмон кўзлардан, ёвуз кучлардан асраш, керак бўлса, бу йўлда ҳатто жон фидо этишга ҳам қодир бўлиш!

Узбекистон ўз тараққиётининг машаққатли, мураккаб, зиддиятларга тўла, аммо ғоят шарафли йўлидан юксак мақсад сари, оғишмай бормоқда. Бу йўлнинг барча пасту баландликлари, қувонч ва изтироблари, ютуқ ва камчиликлари, бутун халқимиз қатори сизларга ҳам яхши аён. Босиб ўтаётган йўлимиз қанчалар оғир ва қийин бўлмасин, истиқлол йиллари бизнинг мустақил яшаш ва мустақил тафаккур юритишга қодир миллат эканимизни жумлаи жаҳонга ёрқин намоён қилмоқда.

Биз жаҳон ҳамжамиятига кириб борадиган ўз йўлимизни топиб олдик ва бу йўлда дастлабки, шу билан бирга, салмоқли қадамлар қўймоқдамиз. Бу ҳаракатлар, иншооллоҳ, ўзининг ижобий самарасини беришига халқимиз ишонди. Бу ишончини юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда, моддий ва маънавий ҳаётимизда ижобий мақсадлар сари босқичма-босқич қадам қўйиб, сезиларли натижаларга эришишда ифода қилмоқда.

Утган йиллар мобайнида халқимиз, жамиятимиз қўлга киритган энг катта ютуқлардан бири айнан мана шу деб айтсак, ўйлайманки, хато қилмаймиз.

Узбекистонимизнинг эртанги куни маънавий-маданий баркамол, руҳан тетик, мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятига эга бўлган, замонасининг илмий-техника тараққиёти талабларига мос, касб-кор маҳоратини узида мужассам этган, ғурури баланд, иймони бутун, иродаси бақувват, чинакам ватанпарвар, инсофли ва ориятли инсонлар қўлида деб айтсак, асло муболаға бўлмас.

«Мардлик ва мурувватни Оллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди», дейди соҳибқирон бобомиз Амир Темур. Сизлардаги ана шундай ғўзал фазилатлар ҳаммамизни мамнун ва мафтун этади. Узбекистон сиз ва сизлар каби азамат, танти одамлари меҳнати билан буюк келажагини қуради, деди Ислом Каримов. Сизларни улуғ ва қутлуғ ватанимизнинг олий мукофотлари билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни ва барча ватандошларимизни халқимизнинг улкан байрами — Конституция куни билан самимий табриклайман. Барчангизга омонлик-ғўшнолик, оилаларингизга бахт-саодат тилайман.

Президент Ислом Каримов йиғилганларнинг олқишлари остида Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги «Олтин водий» жамоа хўжалиги дончилик бригадаси бошлиғи Содиқжон Абдурасулов, Самарқанд махсус илмий-таъмирлаш ишлаб чиқариш устахонаси таъмирловчиси Мирумар Асадов, Наманган вилояти туғуруқхонаси бўлим мудири Айшахон Қўчқорова, Узбекистон Республикаси «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни раиси Николай Кучерский ва Сурхондарё вилояти Денов тумани Собир Раҳимов номидаги жамоа хўжалиги раиси Иброҳим Файзуллаевга ватанимизнинг олий мукофоти — «Узбекистон Қаҳрамони» унвони гувоҳномаси ва «Олтин юлдуз» нишонларини топширди.

Саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият, маориф, спорт ва санъат соҳалари намояндалари, ҳарбийлар давлатимиз раҳбари қўлидан юксак мукофотларни олиш шарафига муяссар бўлдилар.

Маросимда республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов Президент Ислом Каримовни «Мустақиллик» ордени билан мукофотлаш тўғрисдаги Олий Мажлис қарорини ўқиб эшиттирди ва юртбошимизга юксак орденни топширди. Президентимизнинг миллий давлатчиликни тиклаш, ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш борасидаги тарихий хизматлари ана шу олий мукофот билан тақдирланди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан «Узбекистон Қаҳрамони» унвони нишондорлари — Н. Кучерский, И. Файзуллаев, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби, атоқли шоир Эркин Воҳидов, «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланган машҳур боксчи А. Григорян ва бошқалар ҳурмат ва эътибор учун миннатдорлик билдириб, ватанимиз равнақи йўлида янада самарали меҳнат қилажакларини изҳор этдилар.

Барчамизнинг ниятимиз — меҳнатсевар ва бағри кенг халқимизга муносиб ҳаёт шароити яратиш йўлида меҳнат қилишдир, деди Ислом Каримов маросим ниҳоясида. Улуг неъмат — мустақиллигимизнинг илк самараларинигина кўряпмиз. Келажагимиз пойдеворини бунёд этмоқдамиз. Асосий ютуқлар ҳали олдинда. Энг муҳими, одамлар, уларнинг дунёқараши ўзгармоқда. Шундай экан, ёруғ кунларга албатта етамиз. Сиздек фидойи фарзандлари бор экан, Ўзбекистон келажакда албатта буюк давлат бўлади!

Маросимда республика Бош вазири У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосарлари И. Жўрабеков, К. Обидов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, У. Раҳматов, Олий Мажлис Раиси ўринбосарлари Б. Бутров, Б. Шодиева, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов қатнашди.

(ЎзА).

ДУНЁДА ЭЗГУ ИШЛАР КЎПАЙСИН

Жамиятда бир эзгу иш амалга ошса ундан андоза олинади, андоза билан қониқмаган фидойи инсонлар уни ривожланган кўринишда ташкил этади, ҳаётга татбиқ этади. Эзгуликнинг акси — ёвузлик ҳам худди шундай — унинг ҳам янада қабиҳлашган даражаси бўлади.

Бунга Афғонистондаги фуқаролар урушини мисол қилиш мумкин. Уруш — ёвузлик, аввало бу халқнинг бошига катта кулфат келтирди. Ёвузликни қабоҳат «ривожлантирди», яъни бу замин халқаро терроризм, наркобизнес ва қурол-яроғ савдоси марказига айланди. Бир раҳбарли, тартибли, демократик бошқарув ва ижронинг йўқлиги бу ҳудудда ҳамма жойда тақиқланган наркотик моддалар ишлаб чиқариладиган марказга айланди. Маълумотларга кўра Афғон замини дунёдаги жами наркотик моддаларнинг 40 фоизини берянти. Бу даҳшатли кўрсаткич. Бу — ёвузлик разолатни тарбиялайди, деган фикримизга асос. Дунёда эса эзгу ишлар кўпайсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Португалия пойтахти Лиссабонда бўлиб ўтган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ва ҳукумат бошлиқлари иштирокидаги кенгашдаги ўз нутқида шу хусусда ҳам фикр билдирди ва кўпчилик сиёсатчилар ундаги ғоянинг Марказий Осиё халқлари учун аҳамияти катта эканлигини таъкидлашди.

Фитрат Марказий Осиё, Яқин Шарқ тарихидан мукаммал хабардор олим. Унинг «Фарҳод-у Ширин»достони тўғрисида» мақоласининг аввалини 3-бетда ўқийсиз.

Обуна-97



Артур Григорян: спорт ҳам — маърифат. Шу боис, ҳар бир спортчи «Маърифат»нинг ошноси бўлса, ютқазмайди.

«МАЪРИФАТ» ВА МУАЛЛИМЛАР

Маълумки, «Маърифат» ўз номи билан халққа ҳам илм, маърифат тарқатувчи рўзномадир. Айниқса, унинг саҳифаларида чоп этилаётган Шарқ педагогикасига доир материаллар, буюк алломалар ҳаёти ва ижодига оид ўқишли мақолалар, шунингдек, тарих, адабиёт ва иқтисод фани дарсликлари тўғрисидаги, илғор ижодкор ўқитувчилар ҳақидаги материаллар ҳамда таниқли олимларнинг чиқишлари бизга жуда ҳам маъқул бўлаяпти. Янги йилда ҳам мураббийлар газетасидан умидимиз катта.

Янги ташкил этилган ўқув юртимиз муаллимлари учун «Маърифат»гина энг яқин маслаҳатгўй бўла олади.

Шу боис, бу йил жамоамизнинг ўқитувчи ва тарбиячиларидан 21 нафари (ҳар икки киши бир нусха) «Маърифат» рўзномасига 1997 йил учун обуна бўлишди.

Исроил ПОРСАЕВ,
Хатирчи туманидаги кўп тармоқли лицей-интернат директори.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

МУАЛЛИФЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Яқинда Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси ва Чироқчи тумани халқ таълими бўлими ҳамкорликда «Савод» алифбе дарслигининг муаллифлари Талъат Ғаффорова, Эргаш Шодмонов ва Гулбодом Эштурдиевалар билан туман бошланғич синф муаллимларининг учрашуви ўтказилди. «Муаллифлар билан учрашув» деб номланган ушбу йиғилишда туманнинг бошланғич синф муаллимларидан 700 нафари иштирок этишди.

Йиғилиш давомида бошланғич синф муаллимлари «Савод» дарслиги юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

ҚОНУНГА ШАХС МУНОСАБАТИ

Юнусобод туманига қарашли Чўлпон номидаги 258-мактабда Конституциямизнинг тўрт йиллиги муносабати билан катта тадбир ўтказилди. Унда республика Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича бўлим бошлиғи муовини Т. Матарнюк, ҳуқуқшунос М. Тоштемиров, туман халқ таълими бўлими назоратчиси М. Козимова, Тошкент давлат юридик институтининг доценти Х. Назаров ва бошқа меҳмонлар қатнашдилар. Сўзга чиққанлар жамиятда қонун устиворлиги ҳамда шахснинг қонунга бўлган муносабати ҳақида тўхталиб ўтишди.

Тадбир давомида Тошкент давлат консерваторияси талабалари ўзларининг куй-қўшиқлари билан иштирок этишди.

МЕҲНАТНИНГ МИЛЛИЙСИ БОРМИ?

Самарқанд шаҳар Боғишамол туманидаги 8-мактабда туман меҳнат ўқитувчиларининг анжумани бўлиб ўтди.

Йиғилишда мактабнинг олий тоифали меҳнат таълими ўқитувчиси Салима Қодирова «Миллий қуроқ ва кашталарни тикишда халқ амалий санъатидан фойдаланиш» мавзуида сўзлади. Анжуман давомида шу хил маънодаги мавзулар юзасидан йиғилганлар ўзаро фикр алмашдилар.

Муаллифлар: А. ОБИДДИНОВ, Л. СУВОНОВ, Э. МАҲМУДОВ.

Билим олиш ҳуқуқи

«КЎНГИЛ КЎЗИНИНГ НУРИ ИЛМДАНДИР»

Тошкент давлат иқтисодиёт университети олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ихтиёридаги ўқув масканларидан. Ҳар йилги қабул маросимида университет талабалигига даъвогарлар борган сари кўпаймоқда. Чунки ҳар бир фуқаронинг билим олиш ҳуқуқи қонунда белгилаб қўйилган. «41-модда. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади». (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси).

Университет ректори муовини, фалсафа фанлари доктори, профессор Назар Ҳакимов билан мухбиримиз шу ҳақда суҳбатлашди.

— Назар ака, бизда қонун устивор. Ҳамма соҳаларимизнинг қонуни бор. Лекин буларнинг барчасини умумлаштирувчи бош қонунимиз ° бу Конституциядир. Университетингизда ёшларнинг билим олиш ҳуқуқи билан боғлиқ таълим жараёни қандай кечмоқда?

— Университетимизни катта бир қалъага ўхшатаман. Унда илм машъалалари порлаб турибди гўё. Бизда 6 та соҳа учун факультетлар очиб қўйилган. Халқаро иқтисодий муносабатлар, халқаро бизнес, иқтисодий ва социал ривожлантириш, иқтисодий информация ва бошқарув, ҳисоб иқтисод ва тижорат факультетлари шулар жумласидандир. Гапнинг тўғрисини айттанда, илм чексиз, ҳадсиз уммондир. У адо бўлмайди, қуримайди. Назаримда, илм-маърифатсиз жамиятни қуриш, ўзгартириш, келажакни қуриш қийин.

Дорилфунунимизда иқтисод илми соҳаларга бўлиниб ва маълум дастурлар асосида ўргатилади. Ҳозирда 4,5 мингдан зиёд ёшлар бизда таҳсил олишмоқда. 414 нафар профессор ва ўқитувчиларга эгамиз. Шулардан 38 нафари фан доктори, 209 нафари фан номзодидир. 167 нафар ассистентлар ҳам таълим бериш босқичларига жалб қилинган.

Албатта, мен бундай факт ва рақамларнинг бир қанчасини келтиришим мумкин. Муҳими бу эмас, асосий гап факт ва рақамларнинг замирида давлатимизнинг ёшларни илм-маърифат масканларига тортишдек буюк сиёсати ётади. Ахир, билим — ҳаёт!

— Дорилфунуннинг хорижий давлатлар билан алоқаси ҳақида нима дея оласиз?

— Бу тўғрида ҳам мақтансак арзийди. 6 та давлатдан келган талабалар бизда ўқишмоқда. Хитой, Туркия, Покистон, Иордания, АҚШ, Германиядан келган ёшларни биздаги таълим тизими қониқтиради, деб баралла айта оламиз. Айни вақтда, биздан танлаб олинган 45 нафар талаба 8 та йўналиш бўйича АҚШда таҳсил олишаяпти. 4 нафар талабамиз Фарангистондаги олий коммерция мактабларидан бирига таълим олишга жўнатилди, уларнинг бири бакалавр даражасига эришди. 31 нафар киши Туркияда магистр ва бакалавр даражаларини олиб қайтишди.

— Ҳали гапингизнинг орасида илм чексиз уммондир, деб айтдингиз. Иқтисод илмини яна ҳам мукаммалроқ эгалловчилар учун қандай шарт-шароитлар яратилган?

— 6 мингта китоб фондига эга кутубхонамиз ҳар доим очиқ. Немис, инглиз, испан тилларидаги иқтисод илмига доир энг сўнгги адабиётларни ҳам бу ердан каталоглар бўйича қийналмасдан топиш мумкин. Кутубхонага кирмай, соатлаб ўтирмай, китобларни варақламай туриб, илмга янгилик олиб кириш қийин. Демоқчиманки, университетимизнинг 17 нафар докторанти, 156 нафар аспирантини кўпинча ана шу зиё масканида учратиш мумкин.

Умуман олганда, илм олмоқ, унга интилмоқ улуғ ва ўлмас истаклигича қолади.

Ҳ. ТЎЙМАНОВА суҳбатлашди.

18-модда. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдир.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

●

22-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.

●

65-модда. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади».

(Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан)



Оналик ва болалик

АЁЛНИНГ БАХТИ НИМАДА?

Оналик бахтига муяссар бўлган аёллардан бириман. Фарзандларимнинг барчаси ҳаётдан ўз ўринларини топиб кетишди. Уларнинг бахтини кўриш, менга она сифатида ғурур ва сурур бағишлайди. Агарки, она ўзи туғиб, вояга етказган фарзандларининг камолини, жамолини кўрар экан, мен буни оналикнинг улуғ бахти деб биламан.

Ўзим эса ҳозир нафақадаман. Умримнинг асосий қисми Низомий номли 82-ўрта мактабда кечди. Юзлаб ўқувчилар даврасида, ҳамкасбларим орасида ишлаб юрган йилларимда ҳам мен аёл киши учун оналик бахти ҳамма нарсадан азиз ва лазиз эканлигини ҳис қилганман.

Ҳозирги пайтда эса ёш оналарнинг фарзанд туғиб, тарбиялашлари учун давлатимиз томонидан қулайлик ва ғамхўрликлар қонунда, демакки, амалда белгилаб қўйилган. Бола 3 ёшга тўлгунга қадар иш стажига халал бермайдиган таътил, энг кам иш ҳақининг маълум фоизлари билан тўланадиган нафақа пулларини назарда тутяпман. Ана шу ғамхўрликларга ҳамоҳанг тарзда «Соғлом авлод учун» давлат дастурининг амалга оширилиши эса ҳукуматимизнинг оналик ва болалик муҳофазаси борасидаги дадил қадамларидан бўлмоқда. Бу эзгу ишни, албатта, чин дилдан қўллаб-қувватлайман.

Мустақил юртимизга тўрт муччаси соғ, илиги бақувват фарзандлар керак. Оналаримизнинг ҳам энг улуғ бахти ана шундадир.

Г. БЕКЁРОВА
Самарқанд вилояти. Қўшработ туманида яшовчи нафақахўр она.

ҚОНУН ВА АМАЛ

Қонун нима ўзи? Асосий қонун-чи? Инсоният қонунларсиз ҳам яшаши мумкинми? Қонунийлик айнан нимани англатади?

Инсоният пайдо бўлибдики, минг бир ижтимоий, яъни бевосита одамлар ўртасидаги муносабатларни у ё бу тарзда ҳал этиш муаммоларига рўбарў келавераді. Албатта, бу муаммоларнинг ҳар бири тамоман ўзига хос, улар ниҳоятда хилма-хил. Шунга қарамай, ўхшаш вазиятлар тўлиб-тошиб ётибди. Башарият илк даврлардаёқ ана шундай умумий ҳолатлар учун муайян қонунлар яратиш фикрига келган. Бунга ҳаётий эҳтиёж бор эди. Демак, қонун — энг қадим замонлардан бери одамлар ўзи яратиб, кейин амал қилиш мажбурий бўлган тартиб-қоидалар мажмуи ҳисобланган.

Қонунсизлик ваҳшийликка олиб боради. Ҳатто, X асрнинг буюк донишманди ҳиротлик Абдуллоҳ Ансорий ўзининг «Туҳфат ул-мулук» асарида «мақбул қонунлар»ни давлатнинг тўрт асосидан бири ҳисоблайди.

Куриниб турибдики, давлат ва қонун — бирбирига чамбарчас боғлиқ тушунчалар. Давлат давлат бўлиши учун аввал адолатли ва мақбул қонунлар керак.

Узбекистон миллий мустақиллигини қўлга киритганидан кейин жадал суръатлар билан давлат асосларини қуришга киришди. Бусиз мумкин эмас эди. Шу маънода 1992 йил мамлакатимиз тарихига ўзига хос бир давр сифатида кирди. Гап фақат ўша йили давлатимизни дунёнинг жуда кўп мамлакатлари тан олгани ҳақидагина кетаётгани йўқ. Ана шу йилнинг 2 мартида Узбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Бу муътабар халқаро ташкилот Бош Ассамблеяси иморати олдида миллий байроғимиз кўтарилди. Энг муҳими, шу йили 8 декабрда Асосий Қонунимиз — Узбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди.

Тўғри, илгариги тузумда ҳам конституция бор эди. Унга кўра ҳам, фуқароларга кенг ва асосли ҳуқуқлар берилган эди. Бироқ амалда-чи? Амалда одамлар қонунга эмас, ҳукмрон сиёсий мафкурага бўйсуниб яшашга мажбур эдилар.

Бу давлат миқёсидаги мунофиқликнинг энг олий кўринишидан бошқа нарса эмас эди.

Узбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида мамлакатда «ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида» ривожланиши қайд этилди ва қатъий ёзиб қўйилдики: «Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас».

Инсоният тарихи, талай олди мамлакатлар ривожланиш тажрибаларига суяниб айтиш мумкинки, қайси давлатда чеклашлар кўпайиб, эркинлик камайган бўлса, у тараққиётдан ортда қолган. Аксинча, қайси юртда «мумкин эмас»дан кўра «мумкин» кўпроқ бўлса, ўша ерда ҳаёт тобора яхшиланиб, турмуш борган сари гуллаб-яшнаган.

Асосий қонунимиз Узбекистон фуқароларининг, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, «бир хил ҳуқуқ ва эринликларга эга (18-модда) эканлигини кафолатлайди. Бу борада ҳеч кимга кўпроқ имтиёз берилмаганидек, ҳеч ким камситилган ҳам эмас. Ота-боболаримиздан қолган ибора билан айтганда, қонун олдида «шоҳ ҳам, гадо ҳам» теппа-тенг!

Конституция бекорга Асосий қонун дейилмайди. Мамлакатда қабул қилинадиган бошқа барча қонунлар унга мувофиқ бўлиши шарт. Асосий қонунимизнинг 16-моддасида ёзиб қўйилганидек: «Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас».

Албатта, қонун қабул қилишнинг ўзи ҳали ҳамма масала ҳал бўлди, дегани эмас. Ҳар қандай қонуннинг қадри унга амал қилиш даражаси билан белгиланади. Шунинг учун Узбекистон Республикаси аввал бошданоқ қонунчиликни мустаҳкамлаш йўлини маҳкам тутиб келяпти. Ҳозиргача жуда кўп асосли ва зарур қонунлар қабул қилинди. Улар мамлакат ҳаётининг турли жабҳаларини тартибга солишга йўналтирилган.

Қонунларни ҳаётга татбиқ этиш — бугун Узбекистон келажагини белгилайдиган бош йўл. Чунки биз ҳуқуқий демократик давлат тизимини барпо этишга қатъий киришдик.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, демократия жамиятнинг асосий мезонига айланиб бораётган бир замонда дунёнинг мутараққий давлатлари бизга ана шу Конституциямиз ва унга амал қилишимиз даражасига қараб муомалада бўлади.

Демак, қонун ва унга амал қилишнинг даражаси бугун Узбекистоннинг жаҳон миқёсидаги обрўйини белгилашга дахлдор масала.

Қонун ва амал бирлигига эришиш эса мамлакатнинг ҳар бир фуқароси зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Султонмурод ОЛИМ.
«Жаҳон» Ахборот агентлиги.

Бир соатлик дарс

БУРЧ, ВАЗИФА ВА МАСЪУЛИЯТ

Республикамиз мустақиллик шарофати туфайли ҳуқуқий давлатни барпо этишга киришди. Ҳуқуқий давлатни қуришимизда ёшларимиз маданиятини, ҳуқуқий билимини, онгини, қарашлари ва ҳуқуқий тарбияни тубдан яхшилаш, давлатимиз рамзларини, айниқса, Асосий Қонунимиз — Конституциямиздаги ҳар бир бўлим, боб ва моддалардаги муқаддас сатрларни кўнгилларига жойлаштириб, билим савиясини ошириш бугунги куннинг энг долзарб ва асосий вазифаларидан бири эканлиги барчамизга аён. Бу масъулиятли вазифани амалга оширишда мактаб, биринчи навбатда ўқитувчиларимиздан катта билим, тажриба, қуникма ҳамда масъулиятни талаб қилади.

Мен яқинда хизмат сафари билан Қорақалпоғистон Республикаси Беруний шаҳрида бўлганимда, қўйилган вазифа қандай амалга оширилаётгани билан танишдим, бир қатор мактабларда бўлиб, дарс жараёнларида қатнашдим. Айниқса, шаҳардаги генерал Собир Раҳимов номли 8-ўрта мактабда олиб борилаётган ишлар мақтовга лойиқ. Мактаб 624 ўринга мўлжалланган, ўқув-тарбия ишида юздан ортиқ муаллим хизмат қилади. Кўпчилиги олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар. Бу мактаб «Йил мактаби-94» ва «Йил мактаби-95» республика кўрик-танловида иштирок этган.

Мактаб директори кекса педагог Исмоил Рўзметов билан суҳбатлашарканман фахр билан кўплаб муаллимларни тилга олди. Айниқса, мактабнинг фахри саналган чин маънода фидойи, олий тоифали «Тарих, инсон ва жамият» фани ўқитувчиси Жумабой Давлатмуратовнинг тарих хонаси, билими, тажрибаси, изланишлари, матбуот саҳифаларидаги чиқишлари ҳақида тўлқинланиб гапирди. Ва шу ўқитувчининг дарсига кириб қуришимни тавсия қилди. Жумабойнинг тарих хонасига кирар эканман, ёруғ, шинам, чиройли дид билан безатилган турли хил қўргазмали қуроллар, деразалар олдига қўйилган ям-яшил гуллар хонага ўзгача бир файз киритиб турибди.

Муаллим синфга кириши билан, аввало, ўқувчилар билан самимий саломлашди. Сўнг, одатдагидек, дарс босқичлари бажарилди: йўқлама қилинди, дарсда барча ўқувчилар тўлиқ қатнашаётгани аниқланди.

— Баракалла, болалар! Ҳар доимгидек 9-»А» синфида дарс қолдирувчилар йўқ, — деб ўғил-қизларни руҳлантириб қўйди муаллим.

Утилган мавзу — «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари» қайд этилгач, билим ўзлаштирилишини баҳолаш учун саволлар берилди:

1. Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини айтиб беринг.

2. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари давлатимизнинг сиёсий ҳаётига қандай таъсир кўрсатади?

3. Нима учун сиз ҳозирданоқ касб танлашга ҳаракат қилишингиз лозим?

4. Фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини айтиб беринг!

5. Фуқаролар иқтисодий соҳада қандай ҳуқуқларидан фойдаланадилар?

6. Фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқлари нималарда ифодаланади?

Ўқитувчи томонидан берилган саволларга ўқувчилар атрофлича жавоб бердилар. Қувонарлиси шундаки, машғулотда бутун синф фаол иштирок этди.

Синф тахтасига янги мавзу: «Фуқароларнинг бурчлари» ва дарс режаси ёзилди:

1. Фуқароларнинг Конституцион ва қонун олдидаги бурчлари.

2. Фуқароларнинг бошқа ишлар манфаати йўлидаги бурчлари.

3. Узбекистон халқининг тарихий, маънавий, маданий меросни асраш бурчи.

4. Ватанни севиш, ватанпарварлик бурчи.

Ўқитувчи дарсни ўтилган мавзу билан боғлаб дарснинг ҳар бир режасини аниқ мисоллар билан турли хил схемалар ва Президентимиз И. А. Каримовнинг асарларидан ўринли фойдаланиши, Конституция китобидан керакли моддаларни айтиб ўтиши, болалар билан жонли мулоқотда бўлиши, дарснинг қизиқарли ўтишига олиб келди. Дарсда ёзилган ва ёзилмаган бурчлар тўғрисида алоҳида тўхталди. Ўқитувчи мавзунинг тарбиявий томонларига — «экологик», «иқтисодий», «ватанпарварлик» ва «ҳуқуқий тарбия» тушунчаларига алоҳида эътибор бериши дарснинг катта ютуғи бўлди. Дарс охирида мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар берилди.

1. «Бурч» деганда нимани тушунасиз?

2. Фуқароларнинг конституциявий бурчларини санаб беринг.

3. Нима учун тарихий ёдгорликларни асраш зарур?

4. Ватанни ҳимоя қилиш учун қандай фазилатларга эга бўлиш керак?

Синфда яна жонланиш. Барча ўқувчилар ҳаяжон билан қўл кўтармоқда. Айниқса, ўғил болаларнинг «Ватанни ҳимоя қилиш учун бизлар ҳозирданоқ тайёрланмоғимиз, бунинг учун жисмонан кучли, руҳан тетик, соғлом, маънавий камолатли бўлишимиз керак», деган жавоблари ўқитувчини мамнун этди.

Дарҳақиқат, мустақил Узбекистонимизни ҳимоя қилишимиз учун ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялашдек улкан вазифалар қўйилмоқда. Буни муаллим алоҳида таъкидлаб, изоҳлади.

Жумабой Давлатмуротовнинг бир соатлик «Конституция куни»га бағишланган дарсидан чиқар эканман, болалардаги шодликни пайқадим. Ўғил-қизлар юзидаги шодлик эса билимга чанқоқлик белгиси эди. Демак, улар кейинги машғулотларни ҳам сабрсизлик билан кутишади.

Танаффус пайтида, ўқитувчилар хонасида Ж. Давлатмуротовни суҳбатга тортдим:

— Дарснинг юқори савияда ўтиши қандай омилларга боғлиқ?

— Дарсни тўғри тақсимлай олиш, педагогик маҳорат, кенг маданий савия ҳар бир муаллим учун асосий хусусият бўлиши керак. Муаллим, қайси фан ўқитувчиси бўлишидан қатъи назар, масъулиятни ҳис қилиши, педагогика ва психологияни ниҳоятда билиши шарт деб биламан. Ахир, биз ёш қалблар билан иш олиб борамиз. Албатта, ҳар бир дарс муваффақияти муаллим томонидан зарур манбалар тўпиш ҳамда улардан фойдалана билишга боғлиқ. Бунда педагог маҳорати бош омил бўлади.

Биз, журналистлар одатда фидойи сўзини кўп ишлатамиз. Зеро, бу хислатга эга бўлиш ҳамма-ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Фидойиликка эришган ўқитувчи эса чинакам бахтли инсон саналади. Улар «Илму-одоби азиз — устоз» шарафига лойиқдирлар.

Курбонбой МАТКУРБОНОВ.

ВАТАН ТУЙҒУСИ МУҚАДДАС

Соғлом авлод учун

Маълумки, спорт тинчлик, халқлар ўртасида дўстлик ришталарини боғловчи воситадир. Зеро, спорт соҳасида эришилган ҳар бир ғалаба мамлакатнинг жаҳон миқёсида нуфузи ошишига хизмат қилади. Ёшлар ўртасида спортнинг оммалашувига, буюк давлат асоси бўлган соғлом авлодни тарбиялаш ишига қўмаклашади.

Мен ўзимни дунёлаги кўплаб таниқли қарағчилар назарига тушганлигимдан жуда ҳам бахтиёрман. 1991 йилда Эроннинг Шероз шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида ғолибликни қўлга киритганман. Ўз вазн тоифамда 12 марта ва мутлақ вазнда бир неча бор Узбекистон чемпиони бўлганман. Бундан ташқари 1992 йил Тель-Авивда бўлиб ўтган Европа чемпионатида «Энг яхши ҳаракат» учун «мукофоти» билан тақдирландим. Ўша йили Испанияда ўтказилган жаҳон чемпионатида 5-ўринни олиш бахтига муяссар бўлдим.

Юртимиз байроғи ва мадҳияси ҳар бир инсон учун муқаддас. Бизнинг ғалабамиз шарафига тупроғимиздан узоқ манзилларда қонуу-жонимиздан яралган байроғимиз ҳилпираб, мадҳиямиз янграганда кўзларимиз севинчдан ёшланади. Айниқса бундай қувончли лаҳзалар Японияннинг Хиросима шаҳрида ўтказилган XII Осиё ўйинлари вақтида тез-тез такрорланиб турди. Ҳозир келаси йил январда Филиппинда ўтказилажак жаҳон кубоги мусобақаларига қизғин тайёргарлик кўраяпман. Мақсадим, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш.

Азамат АЛИ ҚАЛАНДАРОВ,
Тошкент ҳуқуқшунослик институтининг V курс талабаси, каратэ бўйича «Қора белбоғ» соҳиби.

ОЗОДЛИКНИНГ ҲАҚИҚИЙ БЕЛГИСИ

Аҳли башар кўнглида ибтидодан мерос бир муқаддас туйғу ҳам вужуд бўлиб яшайди. Гўёки бу туйғу одамзоддаги иккинчи руҳга ўхшайди. Агар руҳ вужудни тарк этса, инсон ўлимга маҳкум. Агар кўнгилдаги «иккинчи руҳ» вужуддан мосуво бўлса, инсон тирик ўлим остонасида юз очади.

Бу туйғу Ватан! Ватан ҳақида сўз айтмоққа сўз керак. Ватаннинг қиммати мезонсиз тарозида ўлчанади. Ватан — кўнгил. Бу кўнгилда миллат деган муқаддас тушунча ҳам яшайди. Зеро, миллатсиз Ватан йўқ.

Миллат баайни жонли бир вужуд. Энди вужуднинг мукаммал бўлмоғи учун ундаги аъзолар ҳам мукаммал бўлмоғи лозим.

80-йилларнинг адоғига келиб, асрий истибдод юкидан тили кесилган, дили гирён бир ВУЖУД, бу оқсоч гардунда ўзининг борлигини, буюклигини, қудратлилигини илгай бошлади. Даставвал унинг тили чиқди. Энди тил Вужуднинг барча аъзоларини уйғота бошлади. Бу уйғонаётган ВУЖУД — ўзбек миллати эди.

1991 йил. Тарих ўз кўксига «Истиқлол» деб ёзиб қўйди. Бу вақтга келиб биз юқорида таъкидлаган Вужуд батамом уйғонган эди. У елкасидаги зулм тўла қопни улоқтирган эди.

Вужуд уйғонди-Миллат уйғонди. Мустамлакачилик юкидан эзилган аъзолар — миллат тили, дини, байроғи, гимни, Конституцияси яна тикланди.

Дарвоқе, бугун Ватан ҳақида, миллат ҳақида эҳтиросли сўз айтмоққа бир ички эҳтиёж пайдо бўлди. Эртага Ватанимиз Конституциясининг 4 йиллик туйи.

Бугун жаҳонга юз тутган танти миллатнинг ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиб турувчи мустақил Конституцияси бор. Бугун юртда эркни сийловчи адолат мезони бор.

Эркнинг маскани - иймон. Эркнинг қуроли — ҳақиқат. Эрксиз халқ иймондан йироқ. Эрксиз кўнгил — сўқир.

Бугун юртда эрк бор. Адолат тарозуси бор. Бу тарозу мустақилликнинг, озодликнинг ҳақиқий белгиси. Яхшилаб қаранг, бу тарозуни мустақиллик тутиб турибди. Унинг бир палласида адолат бор, бир палласида иймон бор.

Алишер НАЗАР.

МАҚСАДИМИЗ ҲАМКОРЛИК ХОЛОС

Ҳуқуқий тарбия

Маҳалланинг жамиятимизда тутган ўрин ва аҳамияти тўғрисида гап кетганда унинг нечоғлик қадри баландлигини, инсон шу ерда туғилиб, вояга етишишидан ташқари ёшлар онгига ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган энг қимматли анъаналарни, одамгарчиликдан тортиб ўзбекона ахлоқ-одоб қоидаларини сингдиришда асосий маскан эканлиги таъкидланади.

Демак, бу борада мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини кучайтириш тарбиявий ишлар савиясини кўтаришда муҳим воситадир.

Бу ўринда Андижон вилоятининг Шаҳрихон шаҳрида амалга оширилаётган тадбирлар диққатга сазовордир. Шу масалани ўрганиш учун Шаҳрихонга йўлим тушганида менга «Терак таги» маҳалласини кўрсатишди. Қарангки, маҳалла қўмитасининг идораси ҳам 7-мактаб биносида жойлашган бўлиб чиқди. Эндигина кўчиб келган қўмита масканини жиҳозлаш ишида маҳалла фаоллари билан бир қаторда ўқитувчилару ўқувчилар ҳам баробар иштирок этишаётган эди. Раисдан ташқари хотин-қизлар кенгаши, қабулга келган фуқаролар учун алоҳида хоналар. Турли суҳбат ва маслаҳатлар ўтказиш учун махсус жойлар. Биз борган куни қўмита идорасига кўчадан кириладиган йўлак тарафни ободонлаштириш учун ҳашар уюштирилаётган экан.

— Анчадан бери қаровсиз қолаётган шу томонни эпақага келтиришнинг ҳеч имконини топмаётгандик,— дейди мактаб директори Илҳомжон Юсупов. — Қаранг, мана, янги йўлак чиқарилди. Ариқ устига кўприк қурилди. 50-80 туп кўчат ўтказилди. Кўпчилик тикилса тоғ қулайди, деганлари шу-да! Энг муҳими, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигидан кутган ниятимиз амалга ошяпти

Маҳалла қўмитаси фаолияти билан танишсангиз фақат мамнун бўласиз. Тарбиявий ишлар юзасидан ажойиб режалар белгиланиб, қадам-бақадам рўёбга чиқарилмоқда.

— Ҳудудимизда беш мингга яқин киши яшайди, — дейди суҳбатда қўмита раиси Набижон Қорабоев. — Биз иложи борича ҳар бир фуқаронинг турмуш, тарзи, юриш-туришидан, тирикчилик манбаларидан хабардар бўлишга интиламиз. Ҳаракатлари шубҳали туюлган кишилар учун махсус ҳисоб-китоб юритилиб, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда улар назорати йўлга қўйилган. Кейинги пайтларда ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, тартиббузарликларнинг кўпчилиги ёшлар томонидан содир этилмоқда. Қолаверса, баъзи ота-оналарнинг эътиборсизлиги ёки билсалар ҳам ўзларини билмасликка олаётганликлари туфайли ўқувчилар ўртасида майда чайқовчилик, олибсотарлик илдиз отаётганлиги сезилди. Маҳалла оқсоқолларини тўплаб шу мавзуда маслаҳатлашдим. Масалан, сигарета сотиш билан шуғулланаётган Мақсад деган боланинг, бозорда майда ўғирлик содир эттан яна икки ўсмирнинг оталари оқсоқоллар ва мактаб маъмурияти вакиллари олдида ўз фарзандларини бундан буён қаттиқ назорат қилишга сўз бердилар.

Булардан ташқари бозорда аравакашлик қилиб ёки ҳаммоллик билан пул топишга ўрганган болаларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам қораланди. Ҳолбуки, уларнинг оиласи пулга унча муҳтож кишилар тоифасига кирмайди. Бинобарин, уларнинг ота-оналари ҳам маҳалла фаоллари, ҳам мактаб ўқитувчилари олдида изза қилинди. Бунинг ўрнига ёшларнинг чуқур билим олишлари, келажаги порлоқ бўлган мамлакатимиз маънавиятига хос ҳар тарафлама ривожланган, камол топган фуқаролар сифатида вояга етишлари зарурлиги уқтирилди.

Мактаб маъмурияти билан келишилган ҳолда тузган режамиз асосида амалга ошираётган тадбирларимиз ҳам қувончли натижалар бермоқда. Меҳнат фахрийлари, ўз касбларининг соҳиблари, шунингдек, кўпни кўрган кексалар билан ёшлар мулоқотини уюштириб бориш ҳам одат тусига кириб бормоқда. Маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раиси Муҳайёхон Саддиддинова ташаббуси билан ўқувчи қизларнинг кўпни кўрган онахонлар билан давра суҳбатлари ҳам ғоят қизиқарли кечяпти. Уларда онахонларимиз ахлоқ ва одоб, аёллик ҳаёси, оила тутиш, пазандалик санъати ва уй-рўзғор юритиш юзасидан тажрибаларини сўзлаб берадилар, шу тариқа уларни оила беклигига тайёрлайдилар. Уларнинг анчагинаси маҳалламизда фаолият кўрсатаётган ҳунармандларга, кичик корхоналарга шогирдликка биркитиб қўйилган. Қолганлари уйрўзғор юмушларини бажаришда ота-оналарига ёрдамлашмоқдалар ёки спорт ўйинлари билан машғул бўлмоқдалар. Ҳуллас, асосий мақсадимиз ҳар бир ёшни ўз эътиборимизда тутиб туриш, — деди мулоқотимиз сўнггида маҳалла қўмитаси раиси Набижон Қорабоев.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Азал-азалдан мактаб жамият маънавиятининг нечоғлигини кўрсатувчи кўзгу деб қараб келинади. Шаҳримиздаги 276-мактабда ҳам бугунги кунимиз маънавиятини юксалтириш бобида қувонарли ишлар амалга оширилаяпти.

1. Суратда шу мактабнинг жонкуяр ўқитувчиларидан бири Фарида Имомхўжаева.

2. Мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси З. Бахтиёров.

Суратка ш: Р. АЛЬБЕКОВ.

Фитратнинг «ФАРҲОД -У ШИРИН» ДОСТОНИ ТЎҒРИСИДА»ги мақоласи

Адабиётшунос Абдурауф Фитрат буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди бўйича 20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб мақолалар эълон қилади, адабиёт назариясига оид дарслик ёки мажмуа кўринишидаги китобларида фикрлар билдиради. Чунончи, у 1926 йилда нашр этирган «Адабиёт қоидалари» китобида назарий фикрларга мисол тариқасида А. Навоий асарларидан талайгина мисралар келтирган. Айни пайтда А. Навоий ижоди ҳақида умумий фикр билдираркан, уни форс шоирларига, хусусан Низомийга эргашувчи, тақлид қилувчи дейди (Фитрат. Адабиёт қоидалари, 115, 118 —бетлар).

1926 йили (ҳижрий йил ҳисобида) Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги нишонланади. Шу муносабат билан ўша йилнинг февраль-март ойларида Бокуда бўлган туркологларнинг 1-қурултойида буюк адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий мақолалар тўпламини ҳамда унинг айрим асарларини нашр этиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Мазкур қарорга биноан 1926 йили Бокуда Озарбайжон адабиёти ташкилоти томонидан 107 саҳифалик «Навоий» номли мақолалар тўплами чоп этилади. Сал ўтгач, 1928 йилда Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳрида рус тилида ўн босма табоқдан зиёдроқ ҳажмда «Мир-Али-Шир» номли илмий мақолалар мажмуаси нашр қилинади.

Бокуда чиққан «Навоий» тўпламида адабиётшунос Исмоил Ҳикматнинг «Амир Алишер Навоий» сарлавҳали мақоласи босилган бўлиб, унда муаллиф буюк адибнинг ҳаёти ва ижодини ёритишга интилган. И. Ҳикмат мақоласида Алишер Навоийни форс шоирлари Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомийларнинг тақлидчиси, ҳатто таржимони деб атайди. Албатта, Исмоил Ҳикмат бундай нотўғри хулосани А. Навоий асарларини мазкур форс шоирлари асарлари билан қиёсан ўрганиб чиқарган эмас. У мақоласини француз туркологи Беленнинг бир вақтлар Навоий тўғрисида битган мақоласи асосида ёзади ва унинг «Навоий — тақлидчи, Навоий — форс шоирлари таржимони» деган асоссиз фикрларини такрорлаган. Ҳолбуки, шу тўпламнинг ўзида Боку университетининг форс тили ва адабиёти ўқитувчиси Мирзо Муҳсин Иброҳимийнинг «Форс адабиётининг Алишер Навоийга таъсири» сарлавҳали мақоласи босилган бўлиб, унда муаллиф Низомийнинг «Маҳзан ул-асрор»и билан А. Навоийнинг «Ҳайратул аброр» достонини қиёслаган ҳолда, А. Навоий асари оригинал, мустақил деган фикрни исботлаган. Бокуда чиққан «Навоий» тўпламига тақриз ёзган рус шарқшуноси А. Самойлович Алишер Навоийнинг оригинал ижодкор эканлиги тўғрисидаги фикрни қувватлаган. (Қаранг: «Мир-Али-Шир». Ленинград. 1928. 167-170 - бетлар).

А. Фитрат ўзбек адабиётшуноси сифатида Исмоил Ҳикмат мақоласидан сўнг А. Навоийнинг ижодини чуқурроқ ўрганиб, масаланинг моҳиятига етишга интилади. Энг аввало, у А. Навоийнинг форс адабиётига, форс шоирларига бўлган муносабатини аниқлашга киришади. Натижада, унинг 1926 йили «Алишер Навоийнинг форсий шоирлиғи ҳам унинг форсий девони тўғрисида» деган мақоласи эълон қилинади. Унда Фитрат «Навоий ўн беш яшарлиғидан қирқ яшарлиққача форс адабиёти билан жуда кучли суратда машғул бўлғон... Мавлоно Жомийдан бошлаб у замоннинг энг катта форс шоирлари ўз шеърларини Навоийга кўрсатган, тузатиб беришини сўраган. Навоий уларнинг шеърларини ҳақли бир суратда танқид ҳам, тасҳеҳ этган», деб ёзади ва «Навоийнинг форс тилида ҳам теран, уста бир санъаткор эканин» таъкидлайди. («Маориф ва ўқитғувчи» журнали, 1926 йил, 12-сон, 38-39-бетлар). Бу билан Фитрат Алишер Навоийнинг ижодкор сифатида форс шоирлари орасидаги обрўсини кўрсатибгина қолмай, балки унинг форс тилидаги асарларининг юксак савиясини ҳам қайд этади.

Фитратнинг «Фарҳод-у Ширин» достони тўғрисида» сарлавҳали мақоласи ҳам буюк адиб асарларининг оригиналлигини белгилаш ниятида ёзилган. Мақола «Аланга» журналининг 1930 йилги 1-ва 2-сонларида босилган.

Мазкур мақолани қайта нашрга тайёрлар эканмиз, Фирдавсий, Низомий, Деҳлавий ва Навоий достонларидан келтирилган шеърий парчаларни уларнинг энг сўнгги нашрлари билан қиёслаб, бир-бирига мос келмаган айрим мисраларнинг сўнгги нашрдагидек бўлишини мақбул топдик. Бунда биз принципиал бўлмаган ўзгаришларни назарда тутамиз. Фитратнинг мақоладаги фикрларини ўзгартириб юборадиган ёки уларга мос тушмайдиган тузатишларга йўл қўйилмади. Чунончи, Фитрат Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида «Зи хубону аз духтарони шуъбон» мисрасини келтирган. Ушбу мисра Фирдавсийнинг 1965-66 йиллари Душанбе шаҳрида чоп этилган 9 жилдлик иборат «Шоҳнома»сида «Зи хубону аз духтарони меҳон» («Яхшилар ва улуғларнинг қизларидан») тарзида берилган.

(Қаранг: Абулқосими Фирдавсий, Шоҳнома. Иборат аз 9 жилд. Жилди IX Душанбе, 1966. С. 284. Ба чоп тайёркунандагон: Камол Айнӣ, Зоҳир Аҳрорӣ, Баҳром Сирус, Алиқул Девонақулов). Биз мисрани Фитрат келтирган тарзида қолдирдик. Чунки шу мисранинг мазмунини Фитрат матнда «Ундан бошқа гўзал чўпон қизларидан» деб беради. Агар бу сатр тузатилганда, Фитратнинг фикрига халал етган бўлурди. Ҳудди шу шеърий парчадаги Фитрат келтирган «Чу Парвиз бебок буду жавон» («Парвиз қўрқмас ва навқирон эди») мисрасини юқорида зикр этилган «Шоҳнома» нинг IX жилдидагидек «Чу Парвиз нопок буду жавон» (Парвиз нопок ва ёш эди») тарзида тузатдик. Чунки бу Фитратнинг мақоладаги фикрларига заррача бўлсада, таъсир кўрсатмайди.

Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достонидан Фитрат келтирган «З-он сўи кўҳистон манзиле чанд» мисрасини ҳам шу ҳолича қолдирдик. Адибнинг 5 жилдлик «Куллиёт»ида эса бу мисра «Аз он бўи кўҳистон манзиле чанд» («Тоғлар силсиласидан бир неча манзил нарида») тарзида берилган. «Қаранг: Низомии Ганжавӣ. Куллиёт. Дар панж жилд. Жилди якум. «Хусрав ва Ширин». Душанбе, «Ирфон». 1983. С. 68. Ба чоп ҳозир кунанда Зоҳир Аҳрорӣ).

А. Фитрат фойдаланган қўлёзмаларда хатолар бўлгани шундан кўринадики, у Хусрав Деҳлавийнинг «Ширин ва Хусрав» достонида Шириннинг Фарҳоддан насл-насабини сўраган қисмдан парча келтираркан,

Падар, к-огоҳ гашт аз теша ман,

Ба теша кард пора решаи ман (?)

тарзида келтириб, мисралар мазмунида ғалат бўлгани учун савол аломати қўйган. Биз бу ғализликни Хусрав Деҳлавийнинг Душанбада чоп этилган 4 жилдлик «Осори мунтахаб» («Танланган асарлар») и бўйича тузатдик.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достонидан Фитрат кўчирган Хусрав ва Фарҳод савол-жавобини юқорида зикр этилган манбага солиштиганимизда, унда 15-16, 23-24, 51, 52, 53, 54- мисраларни учратмадик. Бизнингча, ушбу мисралар Фитрат фойдаланган нусхада бўлган. Шунингдек мақолада келтирилган парчадаги сатрларнинг жойлашишида ҳам фарқлар бор.

А. Фитратнинг Алишер Навоий достонидан келтирган кўчирмалари билан адибнинг йигирма жилдлик «Мукаммал асарлар тўплами»дан ўрин олган «Фарҳод ва Ширин» матни орасида жиддий ўзгариш учрамади.

Қайта нашрда биз Фитрат мақоласининг имлосини деярли сақлашга уриндик. Фақат қўштирноқ ичида берилган атоқли отларни қўштирноқсиз ёздик. «Тож», «тахт» сингари сўзларнигина қўштирноқ ичида қолдирдик. Чунки Фитрат подшолик, хонлик тузуми билан боғлиқ бундай сўз ва истилоҳларни ишлатганда, гўё социалистик дунёқараш талаби билан уларга киноя билан қарагани билиниб туриши керак эди. Бундай ҳол 20-30-йилларнинг руҳи билан боғлиқ бўлгани учун ўзгартирмасликни маъқул деб ҳисобладик.

Биз Фитрат мақоласини таҳлил этиб ўтирмадик. Унинг савиясини адабиётшунос С. Эркиновниннг бир фикрини келтириш орқали англатиб ўтишни лозим деб билдик. Фитратнинг «Ўрта Осиё, Яқин Шарқ тарихидан мукаммал хабардорлигини айтиш жуда муҳимдир», — деб ёзган эди у («Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1993 йил. 1-сон, 55-бет). Бизнингча, мақола бу баҳога ҳеч бир шубҳа қолдирмайди.

Ушбу мақолани қайта нашрга тайёрлашда профессор Ҳамиджон Ҳомидовнинг шахсий кутубхонасидаги Фирдавсий, Низомий, Хусрав Деҳлавий асарларининг тожикча нусхасидан фойдаландик. Бунинг учун олимга самимий ташаккуримизни билдирамиз.

Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ, филология фанлари номзоди.

«ФАРҲОД-У ШИРИН» ДОСТОНИ ТЎҒРИСИДА

Хуршид томонидан ўпера ҳолига киргизилиб Ўз. давлатнашр томонидан 1925 нчи йилда босилғон бу достоннинг муқаддимасини ёзғон киши бу достон ҳақида маълумот берган бўлиш учун тубандаги сўзларни ёзадир: «Бунинг севимли бир ҳикая шаклига кириши адиб Али Шер Навойи каби уста ёзувчиларнинг фабрикасида ишланиб қимматбаҳо бир мол ҳолига қўйилишидир. «Фарҳод-Ширин» ўзининг она чўбчаги бўлиб ҳар бир ўзбекнинг ёшлиқ чоғидан мияларига ўрнашиб қолғон бир ҳикаядир». Бундан сўнг Хуршид имзоси билан тубандаги «изоҳ»га учрайсиз: «Бу асар эл оғзида хитой, арман, эрон кишилари орасида утканлиги сўйланса ҳам, аммо Туркистонда Хўжанд шаҳари ёнидаги Мирзачўл устида бўлгон Фарҳод тоғи, Ширин сойидан олгон таъсиротимга суялиб воқеани Туркистонда деб этишга жасорат қиламан». Мана шу жасоратдан кейин Хуршидга кўра Ширинниг юрти «Арман отинда қишлоқ» бўлиб халқи ҳам «бари узбек» яъни Ширин ҳам бир ўзбек қизи бўлиб қоладир. Мана бу кетма-кет қаторланғон янглиш тушунишлар ва беҳуда жасоратлар адабиёт тарихимизда жиддий суратда текширишга муҳтож бўлгон бир кўп аҳамиятли нуқталарнинг навбат кутиб турғонларини кўрсатадир... Бу афсонанинг пайдо бўлгон ўрнини афсонадаги воқеанинг юртини бундай чатоқлаштирғон сабабларнинг бири бизнинг Узбекистонда «Фарҳод тоғи», «Ширин сойи» аталгон ўрунларнинг бўлғонидир.

Мен кўпдан бери шу масала ҳақида кенграк бир нарса ёзиш, афсонанинг асли юртини тайинлаш фикрида эдим. Шароит шу кунларда бу ишга кириш (иши)мга ёрдам қилди. Бу мақолада менинг мақсад қилиб олгоним нуқталар достонининг асли юрти, достондаги воқеанинг қаерда деб тушунилгани, достоннинг бизнинг адабиётдаги ўрни ва ўзгаришларидан иборатдир.

Достондаги Хусрав Эрон сосоний ҳукмдорларидан машҳур «Нуширавон»нинг неварасидир. Милоди 7 асрда Эрон шоҳи эди. Муҳаммад пайғамбар қўшни ҳукмдорларга хатлар юбориб уларни мусулмонлиғга чақирғонда мазкур Хусрав Парвезга хат юборғон эди. Хусрав эса унинг хатини йиртиб ташлаґон эди. Бизнинг мавзуимиз бўлгон достон мана шу Хусрав Парвез билан унинг хотинларидан Ширин ҳақида майдонга чиққандир. Сўнгралари Эрон шоирлари бу достонни халқ шоирларидан олиб бу мавзуда турли достонлар ёздилар. Достоннинг бизга маълум бўлгон энг биринчи ёзувчиси 10-асрнинг машҳур форс шоирларидан Абул Қосим Ҳасан Фирдавсдир. Фирдавснинг қадим Эрон достонларини билувчи бир киши бўлиб шул қадим достонлардан фойдаланиб машҳур «Шоҳнома»сини ёзгони маълум. Фирдавс ўзининг «Шоҳнома»сида «Хусрав-Ширин» достони учун айрим бир ўрун берадир. Фирдавс «Шоҳнома»да Хусрав Парвезнинг шаҳзодалигидан бошлаб шоҳ бўлишиґа қадар ҳикоя қилади: унинг шаҳзодаликда отасидан қочиб Озарбайжонга борғони, ондан қайтиб отаси ўрнида шоҳ бўлғони, Баҳром билан урушиб енгилгани, Шарқий Румо импературига сиғинғони, импературнинг Марям исмли қизига уйланиб, ёрдам билан қайтиб Эрон тахтиґа янгидан чиқғони каби Хусрав Парвез ҳаётига оид анча нарсалар ёзгондан кейин «Достони Хусрав Парвез ва Ширин» унвони билан бир достонга киришадир. Бу достонни тубандаги сўзлар билан бошлайдир:

Кунун достони кўҳан нав кунам,
Суханҳои Ширину Хусрав кунам.
Кўҳан гашта ин номаи бостон,
Зи гуфтору кирдори он ростон.

«эмди эски достонни янгилай, Ширин билан Хусравдан сўзлар сўзлай, ул тўғри (киши)ларинг сўз ва ишларидан иборат бўлгон бу қадим достон эскиргандир...» Мана шу бошланиш кўрсатадирки, «Ширин-у Хусрав» достони Фирдавсга айрим мустақил бир достон шаклида эришган. У Хусрав Парвез ҳақида бошқа достонлардаги маълумотни бергандан кейин айрим бир достон бўлгон «Ширин-у Хусрав» достонига (юқоридаги бошланғич билан) киришадир. Фирдавсига кўра бу достон тубандагичадир:

Душманларни енгиб Эрон тахтиґа шоҳлиґини беркитгандан кейин Хусрав овґа чиқадир. Ширинни учратадир. Уни саройґа келтириб «ичкари»га олдирадир. Буни билган Эрон саройи мансублари, подшолар наслидан бўлмаґони учун у билан Хусравнинг уйланмагига қарши туралар. Хусрав катта бир мажлис чақириб Эроннинг улуґларини кўндиради. Ва Ширин билан уйланадир. Ширин саройґа киргандан кейин Марямни заҳарлаб ўлдирадир. Ондан кейин достон Хусравнинг «Тоқ вайс»ни бино қилиши, айш-ишрат мажлислари, Мадоин шаҳарини бино қилиши ҳақида давом қиладир. Охирда Хусравнинг Марямдан бўлгон ўғли Шеруя отасини ўлдириб Эрон шоҳлиґини оладир. Ширинни хотинликґа олмоқчи буладир. Ширин Хусравнинг қабрига кириб ўзини заҳарлайдир. Мана Фирдавс бўйинча «Хусрав-Ширин» достонининг хулосаси шундан иборат. Достоннинг бизга маълум қаҳрамонларидан Фарҳод ҳақида Фирдавс ҳеч нима демайдир. У Шопурни ҳам достонґа аралаштирмайдир. «Шоҳнома»нинг «Достони Хусрав-Парвиз ва Ширин» унвонли фаслидан бурунґи қисмида Хусрав томонидан Шарқий Румо импературиґа юборилгон сафорат ҳайъати орасида Шопур исмли бир киши бор. Бироқ «Хусрав-Ширин» достониґа аралашмайдир.

Фирдавс бу достоннинг ҳаммасини олмаґон. Биз буни унинг ўз сўзларидан англаймиз. Масалан, достоннинг кичкинагина муқаддимасида у ёзадир:

Бад-он обдориву он некўвӣ,
Забон тез букшод бар паҳлавӣ.
Ки «шоҳо, ҳизабро, сипаҳбудтано,
Ҳўжаста каё, гурди шеравжано!
Кужо он ҳама меҳру хунин сиришк,
Кужо он ҳама рўз кардан зи шаб,
Дилу дида гирьёну хандон ду даб?
Кужо он ҳама банду пайванди мо,
Кужо он ҳама аҳду савганди мо?»

Мазмуни: «Ширин сулувлиги ва ґўзаллиґи билан ўткир тил очиб қадим форсичада, эй подшо, эй йўлбарс, эй аскар бошлиґи, эй муборак ботир, эй арслондан юқори полвон, йиґлаб-кулиб тун-кунни ўткарганларимиз қани? Бир-биримизґа муҳаббатимиз, боґланишимиз қани? Аҳдларимиз, онтларимиз қаёққа кетди?»

Мана булар кўрсатадики, Фирдавс бу достоннинг ёзґонидан бурунґи қисмларини ҳам яхши билган, лекин, нима учундир, ҳаммасини «Шоҳнома»сиґа киргизилишини лозим кўрмаган. Достоннинг ҳаммасини бизґа 12-нчи асрнинг машҳур қари шоири Низомий (Низомийнинг оти Абу Муҳаммад Илёс ибн Юсуф, ота юрти Қум шаҳари бўлиб, вафоти 1181-нчи йилда Ганжа шаҳаридадир) берадир. Низомийнинг машҳур «Хамса»сидан бири бизнинг мавзуимиз бўлгон «Хусрав-у Ширин» достонидир. Низомий Эронда Фирдавсидан бурун маълум бўлгон бу достоннинг ҳаммасини оладир ва ўзи шубҳасиз санъаткор ва ўткур қалами билан чиройлик бир шаклґа солиб, бунинг форс ва турк адабиётидаґи муҳим мавқеъни таъмин қилґон бўладир. Низомийнинг бу асарґа «Хусрав-Ширин» исмини бериши асардаґи бош қаҳрамоннинг Хусрав билан Ширин бўлґонлари учундир. Бу асарда Фарҳодґа берилган рол оздир, иккинчи даражададир. Достоннинг Низомий бўйинча қисқача мазмуни тубандагичадир: Хусрав шаҳзодалигидан бошлаб кайф-сафоґа бериладир. У бир кун далаґа чиқиб бир дейқоннинг уйиґа зўр билан кириб базм қурадир; отлари экинларни бузадир, қуллари дейқоннинг меваларини талайлар. Бу хабар Хусравнинг отасиґа еттач, Хусравнинг отини ўлдирадир. Мева еган қулларни мева эґаси бўлґон дейқонґа берадир. Хусравнинг тахтини уй эґасиґа берадир. Хусравнинг ўзи «аъйёни мамлакат»нинг воситалари билан зўрґа қутуладир.

Маълумки, Низомий достонґа кўп-да даҳли бўлмаґон шу фаслни ўз замонидаґи подшоларґа «ахлоқ дарси» бермак учун китобиґа ортдирґон.

Достонда уста бир рассом ва алдамчи (ҳилакар) бир сайёҳ типида кўрсатилган Шопур Хусравнинг надими, суҳбатдошидир. У Хусравґа ўзининг саёҳат хотиралариданг гапириб турґонда Шамиро исмли бир хотин подшодан сўз очадир. Ва тубандагича маълумот берадир:

З-он сўи кўҳистон манзиле чанд,
Ки бошад фарзаи дарьёи Дарбанд,
Зане фармондеҳ аст аз насли шоҳон,
Шуда жўши сипоҳаш то Сипоҳон.
Шамиро ном дорад он жаҳонгир,
Шамироро Меҳинбонуст тафсир.

(Давоми бор)

Акс — садо

ТАЛАБАЛАР УЧУН ЁРДАМИ КАТТА

Муҳтарам таҳририят аъзолари, мен «Маърифат»нинг кетма-кет уч сонида босилган «Матбуот — ижтимоий зарурат маҳсули» сарлавҳали илмий-публицистик мақолани ўқиб чиқдим. Мақола улкан ва мураккаб, ғоят машаққатли ва ғоят шарафли ишнинг «кичик» бир парчаси эканлиги яққол кўриниб турибди. У уч бўлимдан иборат бўлиб, «Тарихдан садолар» деб аталган биринчи бўлимда ўзбек матбуотининг мустамлака йилларида кечирган оғир аҳволи ва шундай оғир шароитда унинг фидойилари олиб борган мураккаб кураш қийинчиликлари, давр газета ва журналлари ҳақида маълумотлар берилиб, уларнинг фаол иштирокчилари, таъсисчи ва муҳаррирлари билан таништирилади. Шу тарзда ўзбек матбуотининг нечоғлик машаққатли йўлни босиб ўтганлиги кўрсатилади. «Саидаҳмад Назировни танийсизми?» деб номланган иккинчи бўлимда ўзбек матбуотини яратиш учун жафо чеккан кишилар ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилинади. Саидаҳмад деганда ҳозирги китобхон фақат ёзувчи Саид Аҳмад Ҳусанхўжаевни кўз олдига келтиради. Ҳолбуки, ижтимоий-маданий ҳаётимиз тарихида жуда катта из қолдирган, фақат ёзган асарлари билангина эмас, ташкилотчилик ва раҳбарлик фаолиятлари билан ҳам ўзбек матбуотининг бешигини тебратган бошқа бир Саидаҳмад ҳам бор эканки, буни бизга Ҳ. Узоқов очиб берди десак, асло муболаґа бўлмайди. Тўғри, манбаларда Саидаҳмад Назиров номи онда-сонда бўлса ҳам тилга олиниб қоларди. Лекин «миллатчи», «халқ душмани» тамғаси билан отилиб кетгани учун унинг тўғрисида рўйирост гапиришга тадқиқотчилардан ҳеч ким журъат эта олмас эди. Муаллиф эса архив материаллари ичига кириб, уни яхши билган жонли гувоҳлар суҳбатларини олиб, Саидаҳмаднинг ким эканлигини, ҳақиқий ватанпарвар, ўз халқининг чинакам жонкуяри эканлигини рад қилиб бўлмайдиган далиллар билан кўрсатиб, исботлаб бермоқда. Мақолада Саидаҳмад Назировга ўхшаган, у билан бирга ишлаган жуда кўп шахслар номи тилга олинган. Ҳатто улардан бир гуруҳининг биргаликда тушган расми ҳам берилган: Санжар Сиддиқ, Аъзам Аюб, М, Саъдий, Абдулла Қодирий, Элбек ва бошқалар. Истардикки, ана шу сиймолар тўғрисида ҳам вақти-вақти билан шундай мақолалар бериб борилса. Негаки, ўзбек журналистикаси тарихи ҳали чуқур ўрганилмаган. Саидаҳмад Назировга ўхшаган қатаґон йиллар қурбони жуда кўп. Ҳайдарали Узоқов аниқлаган, фақат ҳукумат томонидан ҳукм чиқариб, отилган журналистларнинг ўзи 88 та. Булар ёнига агар ўша йилларда шаҳар ва қишлоқларда фаолият кўрсатиб, разолат қурбонлари бўлиб кетган мухбирларни ҳам қўшгудай бўлсак, бу рақам яна ҳам кўпайиши турган гап. Рузномаларнинг саҳифаларида уларнинг айримлари тўғрисидагина маълумот берилган, холос. Улар ҳам ўта қисқа ва ночор аҳволда. Бизнингча, уларни ҳам ўрганиш ва журналистика тарихидаги ўрнини муносиб даражада кўрсатиш лозим. Бундай мақолаларнинг рўзномамиз саҳифаларида бериб борилиши, биринчидан, тарихий воқеа ва ҳодисаларни ҳаққоний кўрсатишга ёрдам берса, журналистика тарихида йўл қўйилган камчиликларни тўлдирса, иккинчидан, ўша қатаґонга учраб, ноҳақ айбланган сиймоларнинг ҳаққи-ҳурмати ўз ҳаққонияти билан тикланган, тарих саҳнасидан ўз ўрнини олган бўлади. Учинчидан, шу каби мақолалар журналистика факультети талабалари учун ёрдамчи ўқув қўлланмаси бўлиб хизмат этади.

Фатҳиддин НАСРИДДИНОВ, филология фанлари номзоди, доцент.

Обуна — 97

МАЪНАВИЙ МУЛК ТАРҒИБОТЧИСИ

Касб фаолиятимизнинг муҳим ҳамроҳи бўлмиш «Учитель Узбекистана» «Маърифат» рўзномаси билан бир сафда туриб жонажон юртимизни маънавий ґўзал ва маърифатпарвар давлатґа айлантиришда ўз улушини қўшиб келмоқда.

Ҳа, муаллим ўзининг инсонпарварлиги, поклиги, зийраклиги, ўз касбига содиқлиги, болажонлиги ва халқпарварлиги билан алоҳида ажралиб туради. Унинг касб тафаккури — билимдонлиги, методик тажрибасининг ранг-баранглиги, энг муҳими, изланувчан ҳамда ижодкорлиги билан ўлчанади. Бильакс, ўқитувчи ўқимаса, изланмаса, унинг фаолияти бамисоли чанг босиб турган бўш идишґа ўхшаб қолади. Муаллим эса тез орада мактаб, ота-оналар ва жамоатчилик назаридан четда қола бошлайди. Шунинг учун ўқитувчининг ижодкорлигини таъмин этишда яқиндан хизмат қилувчи манба — «Учитель Узбекистана» ҳисобланади.

Гезета ўзининг тили, илмий-амалий услубига эга эканлиги билан муаллимлар ҳурмати ва эътиборини қозонґан. Газетанинг биронта сони йўқки, у ерда янги педагогик тафаккур ғоялари, тарбия ва таълимнинг янги технологияси ёритилмаган бўлса. Илґор педагогик тажриба, янги методик тавсиялар, таълим самарадорлиґини оширишґа қаратилган долзарб муаммоларни газетанинг деярли ҳар бир сони ва ҳар бир саҳифасида учрайсиз. Бу ўринда таҳририят ходимларига ҳар қанча миннатдорчилик билдирсак арзийди.

Фурсатдан фойдаланиб, ўз таклифларимни ҳам айтиб ўтсам. Газетада қуйидаги рукнлар ташкил этилса:

— Маънавият олами;

— узлуксиз педагогик таълим муаммолари;

— янги ахборот технологияси банки ва ҳоказо. Унинг ўқишлиги янада ортади деган фикрдаман.

Ҳозир обуна давом этаётган бир паллада азиз мураббийлар, ота-оналар, маҳалла фаолларини севимли газетамиз «Учитель Узбекистана»ґа вақтни бой бермай тезроқ обуна бўлишларини истаб қоламан.

Ҳ. АБДУКАРИМОВ, педагогика фанлари номзоди, Республика Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Кўнгил битиклари

КАМТАРЛИК

Она Ер хизматин ўйлаб бир нафас,
Буюк ҳимматига қиламан ҳавас.
Кафтида кўтариб улкан тоғларни,
Кўк билан сўйлашган чинор-боғларни,
Фарзандларин суюб, бўлиб парвона,
Биз учун яшайди, тинмайди, ёна.
Бахш этиб ҳаммага бахт ва улуғлик,
Камолга етказар қилмайин кўрслик.
Ҳаттоки силкинмай айланар аста,
Доимо ўзини тутади пастда.

КАМ БЎЛМАГАЙ...

Яхшилик, эзгу ният қилган киши кам бўлмагай,
Тўғрилик, поклик агар бўлса иши ғам бўлмагай.
Тонг каби қалб беғубор, йўқ заррача кирдан нишон,
Кўнгли очиқ жўралар, номардга ҳамдам бўлмагай.
Ота-она чин қуёш, ки кеча — кундуз нур сочар,
Хизматин эттан киши, умрида ҳеч кам бўлмагай.
Суҳбатингда нокасу номардга ҳамдард бўлмагин,
Норасолар базмида дўстлар сира жам бўлмагай.
Бу ҳаёт бўстонида, шодлик билан ғурбат кезар,
Меҳри йўқ олифталар кўзида ҳеч нам бўлмагай.
Ҳар ишингда тўғрилик, покликни қилсанг раҳнамо,
Дўсту душман наздида ул қоматинг ҳам бўлмагай.
Эй Раҳимжон Қодирий, ҳар кимсани одам дема,
Насли паст бўлса агар, у асли одам бўлмагай.

Раҳимжон ҚОДИРИЙ,
Ленинобод вилояти, Ўратепа тумани , 31-ўрта мактаб ўқитувчиси.

***

Бир киши одамлар манфаати деб
Таъмасиз, беминнат қудуқ ковларди.
Бири бойлик излаб, ўз ғамини еб,
Тоза сувни булғаб, балиқ овларди.

Балиқчининг иши кўпларга маъқул,
Яхши яшамоққа ўша деб тимсол.
Қудуқчи уларнинг наздида бир пул,
Фойдасин билмаган девона мисол.

Дунёда қолмайин бирор «девона»,
Ҳамма сув булғатиб бўлсайди «Тимсол»,
Тоза қудуқлардан қолмай нишона,
Лойқа сув ичарми оқибат инсон?

***

Нақлдир Тошбақа бузгач тарози,
Уни жазолаган Илоҳий-Қози.
Эгаси жазосин олгану, аммо.
Ҳамон тебранади бузуқ тарози.

***

Фақат ўз ҳаётинг ғамини ема,
Дунёнинг устуни ўзимман дема.
Бу кўҳна Уммонда ҳамма йўловчи
Уловимиз вужуд — омонат кема.

***

Ҳаммага тўн бичма ўзингга мослаб,
Сенда йўқ нарсалар кимлардадир бор.
Сенда кўп, чиқариб ташлайсан қоплаб,
Балки кимлардир бор ўшанга ҳам зор.

Зикрилла ШЕРМАТОВ,
Косон туманидаги 51-ўрта мактаб директори.

39-модда. Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан)

БИЛАСИЗМИ?

● Олимларнинг текширишига кўра ранглар киши кайфиятига турлича таъсир этаркан:

● Қизил ранг иликликни ҳис қилишга чорлайди, кайфиятни кўтаради, лекин тез чарчатади. Бу ранг таъсирида мускуллар ҳаракати кучаяди, қон босими ортади, нафас олиш тезлашади.

● Тўқ сариқ ранг — кайфиятни яхшилайди, иштаҳа очади.

● Сариқ ранг — кўз нури ва нерв системаларини кучайтиради. Ранглар ичида энг қувноғи саналади.

● Яшил ранг — уйқу қочганда ва чарчаганда киши кайфиятини яхшилайди. Яшил ранг таъсирида қон босими пасаяди, организмдаги умумий ҳаётий ҳолат ортади. Бу ранг энг ёқимли саналади.

● Кул ранг — совуқни ҳис қилишга чорлайди. Асаби бузилган кишининг кўнглига таскинлик беради. Қон босимини камайтиришда яшил рангдан ҳам кўра кучлироқ таъсир этади.

● Гунафша ранг — киши асабларини тинчлантиришдан кўра, бўшаштириб боради.

● Жаҳондаги энг қадимий музей Оксфордда бўлиб, 1679 йилда қурилган.

● Сан-Франциско да яшовчи Захари Зззззззззра фамилияси жаҳонда ягона бўлса керак.

Футбол

ЙИГИТЛАРИМИЗДАН ФАҚАТ ҒАЛАБА КУТАМИЗ

Мана шу кунларда миллионлаб футбол мухлисларининг қувончи чексиз. Ниҳоят орзиқиб кутилган кунлар ҳам етиб келди. Бир неча кундан буён араб амирликларида Осиё кубок мусобақаларининг саралаш учрашувлари бошлаб юборилди. Шунинг учун бугунги кунда бутун Осиё мамлакатларида катта футбол байрами бошланиб у қизғин давом этмоқда. Бу футбол учрашувларига бутун Осиё, қолаверса Европа мамлакатлари ҳам диққат-эътиборини қаратишган. Энг эътиборли томони шундаки, бу нуфузли ўйинларда бизнинг Ўзбекистон терма жамоаси ҳам қатнашади.

Биз йигитларимиздан фақат ғалаба кутамиз. Чунки уларга 22 миллиондан ортиқ бўлган Ўзбекистон халқи кўз тикиб ўтиришибди. Халқимиз йигитларимиздан фақат XII Осиё ўйинларидаги қаҳрамонликларини такрорлашни истайди. Ва биз бунга ҳақли равишда ишонамиз.

Мухлисларимизга шуни ҳам маълум қилиб ўтмоқчимизки, ойнаи жаҳон орқали барча чемпионат ўйинлари олиб курсатилади. Ўйинлар Араб амирликларининг 3 та шаҳрида бўлиб ўтади. Булар Абу-Даби, Дубай, Ал-Айн шаҳарларидир. Бизнинг Ўзбекистонимиз «С» гуруҳида Ал-Айн шаҳрида Хитой, Япония ва Сурия терма командалари билан куч синашади. Қуйида гуруҳлар таркиби билан танишинг:

«А» гуруҳи
Абу-Даби

1. Бирлашган Араб амирликлари.
2. Индонезия.
3. Қувайт.
4. Корея республикаси.

«В» гуруҳи
Дубай

1. Саудия Арабистони.
2. Эрон.
3. Ироқ.
4. Таиланд.

«С» гуруҳи
Ал-Айн

1. Япония.
2. Хитой.
3. Ўзбекистон.
4. Сурия.

Ўзбекистон терма командаси ўз учрашувларини 6 декабрь куни Хитой, 9 декабрь куни Япония ҳамда 12 декабрь куни Сурия терма командалари билан ўтказади. Гуруҳ ўйинлари якунлангач, иккитадан ғолиб жамоа чорак финалга йўлланма олишади. Ҳамда энг яхши кўрсаткичга эга бўлган учинчи ўриндаги икки жамоа ҳам чорак финал қатнашчиси бўлади. Чорак финал якунлангач ярим финал ва финал.

Биз йигитларимизга Араб амирликларидан фақат байроғимизни баланд кутарган ҳолда ғалаба билан қайтишини хоҳлаймиз.

Газемизнинг кейинги сонларида Осиё кубоги мусобақаларини мунтазам ёритиб борамиз.

Хайрулло ЖУМАЕВ.

ЎЙИНЛАР БОШЛАНДИ

4 декабрь
БАА — Корея — 1:1
Индонезия — Қувайт — 2:2
5 декабрь
Саудия Арабистони — Таиланд — 6:0
Эрон — Ироқ — 1С:2
6 декабрь
Япония — Сурия 16.45
Хитой — ЎЗБЕКИСТОН 19.00
7 декабрь
БАА — Қувайт 16.45
Корея — Индонезия 19.00
8 декабрь
Саудия Арабистони — Ироқ 16.45
Таиланд-Эрон 19.00
9 декабрь
ЎЗБЕКИСТОН — Япония 16.45
Хитой — Сурия 19.00
10 декабрь
БАА — Индонезия 16.45
Қувайт — Корея 19.00
11 декабрь
Саудия Арабистони — Эрон 16.45
Ироқ — Таиланд 19.00
12 декабрь
Япония-Хитой 16.45
ЎЗБЕКИСТОН — Сурия 19.00

ЙИГИТЛАРИМИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ.

Асад ДИЛМУРОД

ФАРЗАНДЛАР

Хаёлий ҳикоя

Юлдузлар маҳзун, паришонҳол. Чор-атрофни ажаб мискинлик чулғаган, гўё жамики нарса унга тобе, фақат мен буни лоқайдлик билан инкор этаман. Тун сокинлигига муносиб шикаста кулги. Бирдан ҳушёр тортаман. Кимдир мени недир муждадан огоҳ этаётганини тан оламан.

Кўнглимга зимдан назар солаётган банда — Шоир, фақат у ёлғиз эмас, пешонамга битган биттаю битта хонада басавлат Файласуф билан чўпдек озғин Фаррош ҳам жойлашган. Фақат нечундир Сарбоз бедарак, тезда у ҳам пайдо бўлар.

Назокатли кўриниш муддаосида Шоир ясан-тусан қилган: эгнида яқинда русумга кирган ёқаси қотирилган оқ кўйлак, почаси тор кулранг шим, оёғида ҳатто гард қўнса сезиладиган қора ялтироқ туфли бўлиб, соқолини чунон қиртишлаган, қўнғиртоб сочини пешонаси бўйлаб ўнг чаккасига йўналтирган. Пўримликда Файласуф ундан қолишмас, у қора костюм-шимда, оч сариқ кўйлаги, шунга муносиб гулдор бўйинбоғи бир салобатини икки қилган, мош-гуруч соқоли бежирим кузалиб, қировлаган сийрак сочи ортга силлиқ таралган. Одмиёна оч пушти чит кўйлак кийиб, рўмолча тангиган, энсизгина юзини ажин босган Фаррош улар олдида ғарибона қиёфа олган, лекин, у бунга парво қилмасди.

— Соҳиб, тобеликдан тониб бўлмас, бу тақдирда бор, — деди Шоир кутилмаганда жимликни бузиб.

— Ҳа, тақдир эрмак эмас, лекин... одам нималарни тусамайди, — дедим мен хотиржам, ғашлигимни ҳайдаб. — Ёки пичинг қилдингизми? Ахир ҳамиша қўшдек ҳур бўлишни орзу қиласиз-ку! Янглишмасам бугун ҳам хурсандсиз. Зўр нарса ёзгансиз чоғи!?

— Фуу, афсона! — деди Шоир миз устидаги қалингина китобни варақларкан. — Жонимга ора кирган нарса қаҳвахона!

— Ҳимм, шундайми? — киноя кулиб, Файласуфга юзландим. — Хўш, дилбандим, сиз ҳам ўша ёқданми?

— Йўқ, соҳиб, — у чўнтагидан тамакидон олди. — Қаҳвахона Шоирга ёқади, негаки у аллақачон ўзидан адашган, унга ақл ортиқча, ҳиссиёт бўлса кифоя!

— Қаранг-а! — дея тўнгиллада Шоир.

— Менинг йўриғим бўлак.

— Сенга қийин, замин елкангда.

Шаксиз, тагдор пичинг Файласуфга ботди, аммо, у оғирбосиқ эмасми, заҳрини ичига ютди. Қовоқ уйган Шоирга менсимай нигоҳ ташларкан, мен кечмишини ўйладим. Бир вақтлар у дунёни ўтмиш ва келажакни боғлаган кўчлар воситасида янгилаш йўриғини ёқлаб назарга тушган, тақдир ҳукмига кўра мен ҳам у билан яқин алоқа ўрнатган эдим. Илдиз отган дўстлигимиз ҳақи уни борича тасвирга кўчиришга жазм этдим. Орада Шоир билан Сарбозга, кейин Фаррошга ихлос қўйдим, йўқ, аниқроғи, уларни кўнглимда бино қилдим.

Атиги бир лаҳзалик жудолик мен учун — мусибат, аксинча, ҳар бир учрашув кутилмаган янгилик ва кувонч: Шоир билан Файласуф тортиша бошласа камина яйраб, ақлу идроким улғайиб, ўзимни аршу аълода кўрардим. Баҳсга кўпинча Сарбоз якун ясарди, агар мунозара чиққудек бўлса, у тўсатдан орага кириб, дали-ғули мулоҳазалари билан ошналарни ҳовурдан тушираради. Қариликни тан олган Фаррош эса мунозарага қизиқмасди, гоҳо шунчаки суҳбат чоғи ирими учун гап ташлаб қўяр, кўпинча ориқ қўлларини кўксида чалиштириб, бурчакда мизғирди.

Аксига олиб бугун Сарбоз бедарак, Шоир билан Файласуфга ундан бўлак ким ҳам бас келсин, жанжал чиқадиган бўлса ҳолимизга маймунлар йиғлайди-я. Бир чораси бўлар, деган илинжда Фаррошга ҳазилҳузил қила бошладим. Фаррош пинак бузмади, бурчакда яна ҳам қисиниброқ ўтирди.

— Нима гап, тинчликми? — дедим тоқатим тоқ бўлиб.

— Чолимдан айрилдим, — деди Фаррош пиқирлаб. — Ўввало ялиндим, шафқат қилишмади. Том орқасидаги икки туп акасни кўчириб ташлаган эмиш!

Елкамга гурзи тушгандай бўлди. Энди менга аён Фаррош дарди, алами. Қароқларидан қўйилаётган мунг дарёсига чор-ночор чўкиб бормоқда шўрлик. Жигарим, суянганим деб мени қора тортиб келган, мендан умидвор, аммо, чора топиш йўлини унга қандай кўрсатай?

— Ов, Пайласуф, ўша чолни туридан ғўри яқин-а! — деди Шоир атай талаффузини бузиб. — Нима, бошларига ёстиқ қилишадими?

— Менга ёпишма!

— Нега ёпишмай? Чархни ўз ҳолига қўймаган менми ёки сен?

— Мен, мен! — деди Файласуф кўкрагига муштлаб.

— Пиширган ошингни бошқаларга егизма-да!

— Соҳиб, бу жаврақидан менинг қутқаринг, — Файласуф рўмолчаси билан чаккалари терини артди. — Тушунмаган ишига бурнини тиқмасин. Ахир, дунёни янгилаш осон эмас, қурбон керак, жуда кўп қурбон!

Шоир ғезарди, лабларида бир титраниш... Уқ бўлиб қадалаётган нигоҳидаги киноя учқуни ғўё бағримни ўртади. Иложим қанча, у мени таънаю маломатга кўмишга ҳақли, қачонлардир Файласуф қиёфасидаги чизиқлар синиқ ҳам жонсиз эканини айтган, иззат-нафсим ғолиб келиб, ўз билганимдан қолмагандим. Наҳотки, мен сафарбар қилган буёқлар Файласуф феъли олдида ночорлик қилгани рост бўлса?

— Шоир беҳуда қурбонлардан безган, — дедим хотиржам.

— Кечирасиз, соҳиб, бунақа вақтда хўл-қуруқ баравар ёнишга мажбур, — дея Файласуф Фаррошга ўгирилди. — Сизга ачинишдан бошқа иложим йўқ. Эрингиздан нодонлик ўтган, акаслар тарихини билмас экан.

— Эрим ўқимаган, қаёқдан билсин, — деди Фаррош пичирлаб.

— Ўқимаган бўлса айбдор... акасми? — Файласуф афти буришиб кетди. — Тавба, булар нимага бунча сўқир қилиб яратилган-а?

— Худо ақлни ҳам, билимни ҳам йиғиб-териб сенга бергани балки ростдир, — деди Шоир қоматини қийшиқ ўриндиққа ташлаб. — Аммо наҳотки буларни фақат чоҳ қазиш учун ишлатсанг?

— Жудаям оширдинг, ошна, яхшиси туёғингни шиқиллатиб қол, бошарангни ерга ишқамасимдан, — кўкрагини кериб қўйди Файласуф. — Сиз ҳам, саодатли Фаррош, бориб кўчангизни супуринг.

Бу ҳукм, айниқса, мен учун кутилмаган зарба бўлди, шунчалар гангиб қолган эдимки, ўзига бино қўйган Файласуфга таассуф ичра тикилаётган Шоир билан Фаррошни овутадиган бирон оғиз сўз тополмадим, ҳатто уларни йўлдан қайтариш ҳам хаёлимга келмади. Эҳтимол, можаро оқибатидан қўрққаним учун ҳам ўзимни шундай тутгандирман.

Хонага зилдек сукунат чўккан маҳалда қизишиб кетиб кўнглининг назарим тушиб улгурмаган қатларини очиб қўйган Файласуфдан хафа бўлиш-бўлмасимни билмай нари-бери безовтаҳол одимлардим. Иккаламиз ҳам орада кечган нохушликни эсламасликка тиришдик, барибир, суҳбатимиз қовушмади. Негадир ёлғизликни тусаб қолдим. У аҳволимни сезди ва тумтайганча хайрлашди.

(Давоми бор).



АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ БЎЙИЧА ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз муштарий! Қуйида таърифланган сўзларни топиб, шаклда рақамли хонадан диагонал бўйича ёзиш билан машқни ҳал этинг.

1. Она юрт ҳар биримиз учун муқаддас диёр. 2. Йирик, аҳоли турар жойи, савдо ва саноати ривожланган маъмурий, маданий марказ. 3. Марказий Осиёдаги пасттекислик. 4. Ўзбекистон Республикасининг конституцияси бобларидан бири. 5. Мамлакатимиздаги вилоят. 6. Соҳибқирон Амир Темур ҳикматидан: «Адму эҳсон билан ... гулшани обод бўлади». 7. Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиясидан: «Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,

Эркин ёш авлодлар сенга зўр .....!

8. Доира шаклидаги тақинчоқ безак буюм. 9. Маълум бир соҳадаги илмлилар гуруҳи. 10. Бош қонунимизнинг рақам билан ажратилган мустақил бўлими. 11. Ўзбекистон Республикасининг конституциясидаги иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар бобидан: «Ҳар ким ... олиш ҳуқуқига эга». 12. Сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий мустақиллиққа эга бўлган, озод ҳур. 13. Бош қомусимиздан: «Оила жамиятнинг асосий бўғини ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. ... томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади. 14. Халқаро муносабатларда ўзаро аҳднома ҳужжати. 15. Мамлакатимизда шаклланаётган иқтисодиёт. 16. Маълум қоида, тамойиллар мажмуи. 17. Ҳузур-ҳаловат, тинч ва фаровон ҳаёт. 18. Эзгу ишни амалга ошириш учун интилиш, истак. 19. «Амир Темур» ордени билан мукофотланган шаҳарлардан бири. 20. Ўзбекистон Республикаси конституциясининг «Оила» бобидан: «Воя-га етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар». 21. Маълум давлат бошқармаси таркибидаги ташкилот, муассаса. 22. Фуқароларнинг хулқ-атвор меъёрлари мажмуи. 23. Бирор ишни бажаришда жамоатчиликнинг ихтиёрий ёрдами. 24. Оддий ҳарбий хизматчи. 25. Республика Президенти томонидан тайинланадиган ва бирор соҳани бошқарувчи ҳукумат аъзоси. 26. Ҳафта куни. 27. Мамлакатнинг ҳарбий кучлари мажмуи. 28. Марказий Осиёда яшовчи қардош миллат.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

Наманган вилояти Уйчи туманидаги 26-ўрта мактаб томонидан 1996 йилда Раҳимов Аюбхон Асадуллаевич номига берилган UZA 099892 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Олимжон ҲАЙИТ, Улуғбек ЖУМАЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0713.Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.